

97. «Дин насиҳатдир. Беҳуда ишларни тарк қилиш киши исломининг ҳуснидандир»



14:00 / 24.03.2015 5677

117. «Дин насиҳатдир. Беҳуда ишларни тарк қилиш киши исломининг ҳуснидандир»

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг қаламларига мансуб «Дин насиҳатдир. Беҳуда ишларни тарк қилиш киши исломининг ҳуснидандир» деб номланган китоб.

МУҚАДДИМАДАН БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога битмас-туганмас ҳамду санолар бўлсин!
Маҳбуб Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафога мукамал ва батамом

салавотлар ва дурудлар бўлсин!

«Ислоннинг мадори бўлган ҳадислар шарҳи» деб номланган силсиланинг биринчи ва иккинчи рисолаларида Мужтаҳид уламолар томонидан Ислоннинг мадори деб тан олинган Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг иккита ҳадиси шарифларини имконимиз борича ўрганган эдик. Ушбу рисолада Аллоҳ таолонинг Ўзидан ёрдам сўраган ҳолимизда аввал бошлаган ишимизни баҳоли қудрат давом эттириш ниятидамиз. Бу ожизона ишимизда Ҳақ субҳанаҳу ва таолонинг Ўзи мададкор бўлсин!

«Ислоннинг мадори бўлган ҳадислар шарҳи» деб номланган силсиланинг аввалги икки рисоласида «Албатта, амаллар ниятларга боғлиқдир» ва «Ҳалол очиқ-ойдиндир» ҳадислари ба қадри имкон шарҳ қилинди. Мазкур икки ҳадиси шариф ҳам ўзида мусулмон банда ҳаётининг жуда кўп соҳаларини қамраб олгани учун уларда фикҳ, руҳий тарбия ва бошқа соҳаларда сўз юритишга тўғри келди. Жамият ҳаётидаги турли ҳолатларга оид масалалар юзасидан баҳслар олиб борилди. Ушбу рисоламиздан ўрин оладиган ва сиз азизлар билан бирга ўрганмоқчи бўлиб турган ҳадиси шарифлардаги баҳс юритиладиган мавзулар аҳамият жиҳатидан аввалги икки ҳадиси шарифнинг савиясига яқин бўлса ҳам, қамров жиҳатидан ҳар бир ҳадиснинг мавзуси билан чекланади. Мисол учун, ушбу рисоладаги биринчи ҳадис насиҳатга, яъни холисликка бағишланган. Бошқалари ҳам шунга ўхшаш.

Кўпчилик катта имомлар, муҳаддислар ва мужтаҳидлар Ислоннинг мадори деб атаган ҳадиси шарифлардан бири қисқача қилиб «Дин насиҳатдир» деб номланади. Мазкур ҳадиси шарифнинг матни қуйидагича:

Тамим Дорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Дин насиҳатдир», дедилар.

«Ким учун?» дедик.

«Аллоҳ учун, У Зотнинг Китоби учун, У Зотнинг Расули учун ва мусулмонларнинг имомлари ҳамда оммалари учун», дедилар».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насоий ривоят қилишган.

Муаллиф: Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

Номи: «Дин насиҳатдир. Беҳуда ишларни тарк қилиш киши ислонининг ҳуснидандир»

Нашриёт: «HILOL NASHR» Нашриёти

Сана: 2016

Ҳажми: 176 бет

ISBN: 978-9943-4448-5-0

Ўлчами: 84×108 1/32

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 5401-сонли хулосаси ила чоп этилган

МУНДАРИЖА

Тамим Дорий розияллоҳу анҳунинг таржимаи ҳоли
Тамим Дорий розияллоҳу анҳунинг ҳадиси ривоятлари
«Насиҳат» сўзининг маъноси ва таърифи
Насиҳат ҳақидаги оятлардан
Насиҳат ҳақидаги ҳадислардан
«Дин насихатдир» ҳадиси шарҳининг давоми
Жаброил ҳадиси
Насиҳат ким учун?
Аллоҳ учун насихат
Аллоҳнинг Китоби учун насихат
Аллоҳнинг Расули учун насихат
Мусулмонларнинг имомлари учун насихат
Мусулмонлар оммаси учун насихат
Насиҳатнинг аҳамияти
Насиҳат талаб қилиш
Насиҳатнинг вожиблиги
Фарз ва нафл насихат
Насиҳат одоблари
Насиҳат қилувчининг одоблари
Насиҳат қилинувчининг одоблари
Насиҳат тинглаш одоблари
Насиҳатга амал қилишнинг фойдаси
Қул хожасига насихат қилса
Набавий насихатлардан намуналар
Улуф зотларнинг насихат ҳақида айтган гапларидан намуналар
Насиҳатнинг фойдаларидан
Иккинчи ҳадис
Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳунинг таржимаи ҳоллари
«Киши Исломининг хусни» ҳадиси ҳақида уламоларнинг фикрлари
«Киши Исломининг хусни» ҳадисининг шарҳи

Киши Исломининг гўзал бўлиши нимани тақозо қилади?
Аллоҳдан ҳаё қилиш мақоми
Аллоҳдан ҳаё қилиш нимани тақозо қилади?
Аллоҳдан ҳаё қилишнинг бардавомлиги
Беҳуда ишларни тарк қилиш киши
Исломининг ҳуснидандир
Тил офатлари
Каломнинг офатлари
Фатво сўраш одоблари
Оз сўзлаш киши Исломининг гўзаллигидандир
Киши Исломининг гўзал бўлиши барча турдаги аҳамиятсиз нарсаларни тарк этиши биландир
Исломи гўзал бўлганларнинг мукофотлари
Хулоса
Амалдан кейин ҳисоб-китоб қилишнинг моҳияти